

ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал
2023/2 (№25)

Асосий мақсадимиз мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бугунги кунини ва истиқболни учун масъулиятни ҳар томонлама чуқур англаш, очиқ ва конструктив ҳамкорликка тайёр барча томонларни глобал мулоқотга жалб қилишдан иборат.

Биз ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлмиш Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини қатъий давом эттирмақдамиз. Мамлакатимиз “Инсон қадрини ва манфаатларини учун” деган эзгу гоя асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислоҳотлар йўлидан дадил илгари бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Таҳрир хайъати:

М.Н.Абдуллаева -
ф.ф.д., профессор

Б.Т.Тўйчиев –
ф.ф.д., профессор

Ж.С.Раматов –
ф.ф.д., профессор

Г.Т.Маҳмудова -
ф.ф.д., профессор

В.Р. Топилдиев -
ю.ф.д., профессор

Қ.Н.Назаров –
ф.ф.д., профессор

Р.Ж. Рўзиев -
ю.ф.д., профессор

Ў.М.Абилов –
ф.ф.д., профессор

А.Ў.Ўтамурадов -
ф.ф.н., профессор

Ў.Ғ.Тилавов -
ф.ф.д., DSc

Бош муҳаррир:
А.Г.Муминов –
с.ф.д., профессор

Бош муҳаррир
ўринбосари:
Х.В.Соқиев
фалсафа доктори, PhD

Муассис: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,
Университет кўчи, 4.

www.phljournal.nuu.uz

E-mail: falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz

ISSN 2181-7294

Бичими 60x84 Ofset қоғози. “Times”
гарнитураси. Ҳажми 30 б.т. Нашриёт ҳисоб
табоғи 30 б.т. Адади 100 нусха.

Журнални нашрга тайёрловчилар
Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев



Google
Scholar

CYBERLENINKA


МУНДАРИЖА:

Saifnazarov I.	Yangilangan Konstitutsiya-dunyoviy davlat rivojining huquqiy asosi	3
Хайдаров А.	Замонавий цивилизация, маданиятлар плюрализи ва миллий менталитетлар трансформацияси	9
Муминов А.Г.	Ўзбекистон барқарор ривожланиш йўлида	14
Раматов Ж.С.,	"Бир макон-бир йўл" ташаббуси – замонавий транспорт логистикаси	20
Нуриддинов С.	сифатида	
Азимов Х.И.	Амир Темур даврида илм-фан равнақи ва унинг бугунги кундаги аҳамияти	25
Тангиров И.	О сущности организованной преступности в современном мире	29
Умарова Р.	Раҳбарнинг нутқ устида ишлаши ва нотиклик маҳоратини ошириш йўллари	33
То'хтайев В.	О'zbekistonda "Elektron parlament" tizimini rivojlantirish istiqbollari	37
Наврўзова Г. Н.	"Хуш дар дам" тамойили ва билиш масалалари	42
Турдиев У.Р.	Киберхавфсизлик муаммоси: рақамлар, рейтинглар ва янги ғоялар	45
Абдукаримова Г.	Кекса авлод вакилларининг маънавий масъулияти	53
Мирзаев Ш.Ш.	Правовой результат в механизме действия права	58
То'хтайев Н.Р.	Zamonaviy yuksalish jarayonida ma'naviy qadriyatlarning ahamiyati	62
Баратов Р.Ў.	Транспорт йўлаклари - иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили	66
Джаватова М.Дж.	Жамиятда раҳбар кадрларни тарбиялашнинг ахлоқий-эстетик масалалари	70
Варноева Г.Р.	Xalqaro mehnat migratsiyasi jarayonlarida muhojir ayollarning o'rni	75
Махмудова М. Д.	Ижтимоий иш ходимлар мотивацияси	80
Ибрагимов А.Қ.	Инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашда ижтимоий ислохотларнинг аҳамияти	84
Алқаров Э. М.	Ўзбекистон Республикасида хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг фалсафий масалалари	89
Ибраҳимова Д.	Iqlim muamollarini bartaraf etishda ekoetikaning o'rni	94
Yusupov A.Q.	Yangi O'zbekistonda jamiyatni demokratlashtirish va yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirish muammo va yechimlari	98
Агиров А.А.	Yoshlar ma'naviy xavfsizligi va bag'rikenglik tuyg'usiga salbiy ta'sir etuvchi ichki va tashqi tahdidlar	102
Алимухамевова Н.Я.	Немис мумтоз фалсафасида "миллат" тушунчаси	107
Кўчқоров М.	Кучли ижтимоий ҳимоя– давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир	112
Matkarimova J.D.	Notijorat tashkilotlarning ijtimoiy foydali maqsadlari	116
Чулпонова Х.Т.	Психологическая поддержка в период адаптации молодых специалистов к трудовой деятельности	121

Ғайбуллаева Л.С.	Маҳаллаларда ёшлар сиёсий фаоллигини оширишда фалсафий тафаккурнинг роли	126
Раҳимова М., Тилавбаева Г.Б.	Ижтимоий фаолиятда зиддиятлар диалектикаси	131
Oripov E.Sh.	Jamiyatda an'anaviy va zamonaviy qadriyatlar dialektikasini ta'minlashning ijtimoiy-falsafiy asoslari	136
Мирзавалиев Ж.А.	Меритократия тизимининг жорий этилиши юксалиш омили сифатида	141
Етмишбоев М.М.	Спорт бўйича агентлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда асосий ва қўшимча фаолият турлари.	146
Бойгазиев Т.	Форобий фалсафасида билимларнинг турларга ажратилиши	150
Мамадаминова Б.	Хоразмда маданият муассасаларининг ташкил этилиши	155
Усманов М.А.	Мифологизациянинг эпистемологик жиҳатлари	159
Султанов С.Х.	Глобаллашув шароитидаги миллий идентикликни сақлаш муаммоси	162
Эрниёзов Ў.К.	Илмий ижод ва интуициянинг намоён бўлиши	167
Тулаганова М.К.	Образ совершенного человека в наследии Средневековых Восточных мыслителей	171
Турсунов А.Б.	Оздликдан маҳрум қилиш жойларида мурожаатлар билан ишлаш фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари	175
Тухтабаев Э.А.	Взгляд молодежи на трудовую миграцию: как источник будущего	179
Бобоева М.Ш.	Ўзбекистон шароитида экологик трансформациялар атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор йўналиш сифатида.	184
Meuyliyev U.	Globalashuv sharoitida mafkuraviy tahdidlarga qarshi kurashish mexanizmlari	188
Saydazimov K.T.	Baholash va normalar mantig'ida huquqiy qadriyatlar.	194
Xamidxonov B.	Yoshlar intellektual salohiyatni oshirishda oliy ta'limning o'rni	199
Азимов А.С.	Жамиятда толерантликни мустаҳкамлаш ёшларни ғоявий тарбиялашнинг муҳим омили	203
Тошқулов Х.	“Социал давлат” назарияси ва унда инсон омили масалалари	209
Холдаров М.	Оиланинг ижтимоий қадрият сифатидаги ўрни	215
Олимов Ф.	Янгиланиш шароитида “инсон капитали”	219
Отажонов Ғ.У.	Зиддият қонуни	223
Раҳманқулов Ф.Р.	Жамиятда мулкдорлар қатламининг шаклланиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари	227
Шавкатов Ш.Ш.	Муҳаммадризо Огаҳий ижодидаги антропологик қарашлар	231
Бектурсинова Г.	Китобхонлик маданияти: муаммолар ва инновацион ишланмалар	235
Раҳмонбердиева Т., Қўйлиев Т.	Инсоният тараққиёти ва ижтимоий адолат масаласи	239

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРНИНГ РОЛИ

Л.С. Ғайбуллаева -
СамДЧТИ, мустақил изланувчиси

 <https://doi.org/10.24412/2181-7294-2023-2-126-130>

Янги Ўзбекистоннинг ислохотлари ҳар бир соҳада ўзининг самарали ютуқлари билан ёш алвоннинг фалсафий онгига миллий ғурур билан кириб бормоқда. Жамиятдаги янгиланишлар орқали ёшлар ўзларининг воқеликка сиёсий фаоллиги билан ёндашиб, халқнинг тарихан шакланган юксак фалсафий тафаккурини теран англаб етди. Мана шундай сиёсий фаол ёшлар юртимизнинг барча маҳаллаларида етакчилик ва лидерлик фаолияти билан ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларнинг ривожига ҳисса қўшаётганлиги қувонарли ҳолдир. Кундан-кунда жаҳон ёшлари билан теппа-тенг инновацион ғоялар асосида ўзининг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, ташаббускорлиги асосида жамиятда ютуқларга эришаётган фарзандларимиз илм-фанга асосланиб фаолият олиб бормоқда. Бугун жамиятда “ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-хунарлар, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмаклашишни янги босқичга кўтаришга эришиш”[1] давлатимизнинг бош мақсадига айланди. Уларнинг фаол қатлам сифатидаги изланишларини доимий рағбатлантириб бориш, сиёсий фаоллигини ошириш ўзига хос мачадлар йўлида хизмат қила бошлади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ҳаётида бир қатор ижтимоий ўзгаришлари рўй берди. “Ҳозирги замон шароитида ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантириш ёшлар билан ишлашнинг энг муҳим йўналиши, уларнинг жамиятни ижтимоий-сиёсий фаол қисми сифатида тарбиялашнинг бош омили бўлиб қолди”[2]. Жамият ижтимоий соҳасида ёшларнинг таълим-тарбиясига катта аҳамият берилиб, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда бевосита зарур меъёрий ҳужжатлар қайтадан ишлаб чиқилди. Бунда ёшлар сиёсий фаоллигини ошириш истиқболлари, йўлларига доир чора-тадбирлар ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларнинг жамиятдаги ролини ошириш учун қуйдалар муҳим ҳисобланади:

биринчидан, таълимнинг барча буғинларида янгича услубларга асосланган ўқитиш тизимини ривожлантириш орқали маҳаллаларда ёшлар сиёсий фаоллигини кучайтириш ҳамда уларнинг янгича ёндашувлар, замонавий касб соҳаси эгалари бўлишларига зарур шарт-шароитларни яратиш имкониятлари кенгайди;

иккинчидан, ёшлар “ақлли маҳалла” тизими орқали жамиятдаги янгиланишларда сиёсий фаол қатламга айланиши, ўзларининг ташаббус ва иқтидорларини кенг миқёсда амалга оширишлари учун илм-фан ютуқлари, инновациялардан фойдаланишларига шарт-шароитлар яратилди;

учинчидан, маҳаллада ҳар бир ёш ўзининг ижтимоий тажрибасини орттириб, сиёсий фаол фуқарога айланиши бўлаётган ўзгаришларда кенг қўламда интеллектуал маънавий киёфани шакллантириб, уларнинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий ҳаётида фаол ва муваффақиятли иштирокини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар йиғиндисида акс эта бошлади;

тўртинчидан, маҳалла жамиятнинг муҳим буғини бўлиб, ўз бағрида ёшларни улғайтирар экан, муҳим ижтимоий институт сифатида табиат ва жамият ҳаётининг нозик қирраларини ёшлар сиёсий онг ва фаоллигини ифодалай бошлади.

Юртимиздаги ислохотлар натижасида замонга жавоб бера оладиган кучли билим ва малакага эга бўлган, сиёсий фаол ёш кадрларни тайёрлаш барча соҳалар ривожига учун зарур саналади. “Маҳаллалардаги тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш

чора-тадбирларини кўриш, етимлар ва ёлғиз қолган фуқароларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир интилишларини қондириш каби серкирра жамоавий бошқарув ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этмоқда”[3]. Шунинг учун ҳам ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан етук қилиб вояга етишида маҳалладаги ижтимоий муҳит ва сиёсий ҳаёга фуқароларнинг кизиқишлари долзарб масалага айланди.

Бугун юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Мазкур кенг қўламли комплекс тадбирларни амалга оширишни кўзда тутадиган фармон ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом, юксак маънавиятли бўлиб камол топиши, сиёсий фаол қатлам бўлиб вояга етиши йўлидаги муҳим ҳужжат саналади. Унда болаларнинг мактабгача таълим тизимига қамараб олиниши, уларнинг мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш белгиланган.

Жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги шароитида ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва ўз билимларини мустақил ошириши, ўз ҳаётини давлат бошқаруви билан йўлга қўйиш, ўзгарувчан ахборот тизимида профессионализм ва билимдонликни мустаҳкамлаши долзарб масалага айланди.

Жамиятда ёшларнинг сиёсий фаоллиги ошириш, маънавий-маърифий ва ахлоқий-руҳий дунёси тубдан ўзгарди. Уларда ташқи сиёсат, дунёвийлик ва динлараро маданиятларга муносабатлар уйғунлиги кучайди. Бу жараён ёшларнинг сиёсий фаоллигини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда:

- инсоннинг дунёга келганидан бошлаб шахс сифатида ривожланиши учун жамиятимизда барча сиёсий ва ҳуқуқий имкониятлар мавжуд бўлиб, ёшлар улардан самарали фойдалана бошлади;

- ёшлар ва уларнинг сиёсий фаоллиги, саъй-ҳаракатлари учун барча шарт-шароитларнинг қонун доирасида белгилаб берилди;

- ёшларда меҳнатга бўлган муносабатда янгича ижтимоий муҳитнинг шаклланишига натижасида сиёсий жараёнларда ҳам фаоллашди;

- маҳаллаларда миллий кадрларнинг тикланиши натижасида ёшларнинг ҳаётга нисбатан янгича сиёсий фаоллиги ва дунёқароши шаклланди[4]. Ваҳоланки, ёшлар сиёсий фаоллиги маҳалла билан узвий ривожланганлиги боис уларнинг инновацион тафаккур тарзини ўстиришда, ижобий ҳаракатлар амалга ошириб ижтимоий мотивация шакллана бошлади.

Бугунги ёшлар маънавий кадрларни сақлаган ҳолда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас бўлиши, ўзларининг сиёсий фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши, мавжуд имконият ва шароитлардан тўлиқ ўз вақтида фойдалана олиши, ҳалол меҳнат, тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантириш ҳамда кўпчилик манфаатини устун қўя олиш хислатларига эга бўлишлари зарур. Бу жиҳатлар Янги Ўзбекистондаги ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида, жамиятдаги барқарорликни таъминлаш ва сиёсий мувозанатнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолади.

Кейинги йилларда ўсиб келаётган онгида давлат сиёсати мустаҳкамланиб, сиёсий фаол ёшлар нафақат ўзлари яшаётган маҳалаларда, балки республика бўйича ўз қарашларини намоён этиб келмоқдалар. Бугунги кунда маҳаллаларда ёшлар етакчилари ва ҳоким ёрдамчилари лавозимлари жорий этилиб, уларда асосан ёшлар фаолият олиб бораётганлиги кувонарли ҳолдир. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты сифатида 9 нафар йигит-қизлар сиёсий фаол бўлиб ишлаётганлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, мамлакатимизда ёш раҳбарларга эътибор қаратилаётганлиги, уларнинг лаёқатига мос

лавозимларни таклиф этадиган самарали механизм шаклланаётганли учун ҳамма соҳаларда ёшлар сиёсий фаоллигини ошириш долзарб масалага айланган.

Маҳаллаларда ёшларнинг онгини ўстириш, уларнинг дунёвийликка муносабатини кучайтириш, турли сиёсий жараёнларда фаоллигини оширишда миллий ўзликни англаш даражасини янгилаб бориш муҳим саналади. “Ёшларни мамлакат ва умумхалқ манфаатларига зид мақсадларни амалга оширишга ҳаракат қиладиган сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларга нисбатан мустақил қарашларининг шаклланишига ҳамда уларни бартараф этишда фаоллик кўрсатишга ундайди”[5]. Бу эса, жамиятда сиёсий тафаккур қиладиган, жамиятнинг эртанги истиқболи учун, ўзи яшаётган маҳалланинг тақдири учун бефарқ бўлмаган ёш авлоднинг камол топишига хизмат қилади.

Аслида ёшларнинг интеллектуал салоҳияти маҳаллада мавжуд маънавий муҳит ва оқсоқолларнинг тарбияси, ундаги таълим масканлари орқали амалга ошиб, келажақда фан-илм, санъат ва адабиёт ривожланишига, сиёсий жараёнларда фаол авлоднинг шаклланишига олиб келади. Ҳар бир йигит-қизнинг қалбида миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғулари шу маҳалланинг фаолиятида ва амалий ишларда кўринади. Бугунги кунда жамиятда халқ ҳаётида тарихий-сиёсий бурилишлар содир бўлаётган бир даврда янги инновациялар ва истиқболли режалар доимо зарур ҳисобланади. Шу боис, маҳалладаги ижтимоий муҳитда ёшларнинг тафаккури, дунёқараши ва маънавий оламини ўзгартириш даврнинг тақозосидир. Ёшларнинг “ижтимоий фаоллиги ижтимоий муҳитнинг бу фаолликни “ҳазм қилиш” даражасига боғлиқ”.[6] Маҳалла муҳитида тарбияланаётган фарзандларимизнинг ўз эътиқоди ва жамоа манфаатларига сиёсий фаол бўлиб кириб бориши бевосита жамият учун юксак ижтимоий масъулият ҳиссини қарор топтиради.

Маҳаллада ёшларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаш орқали ҳар бир ислохотни амалга оширишда инновацияларнинг яратилишига сабаб бўлиш мумкин. Маҳалладаги сиёсий фаоллик мазмун-моҳиятига кўра доимо ўз ҳаракат таректорияси доирасини кенгайтириб, ташқи муҳит йўналишларига нисбатан муайян йўналишлар нисбий мустақиллигини шакллантиради. Шу нуқтаи назардан, нисбатан умумий бўлган ёшларнинг сиёсий фаоллиги жамиятда туб ислохотларни ўтказишда, демократик-ҳуқуқий давлатнинг замонавий имиджини вужудга келтиришда, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги турли уюшмаларга, нодавлат ноижорат жамиятларга уюшиши ва бу тузилмалар ёрдамида жамиятни сиёсий тузилмаларини шакллантиришда ўз таъсир кучига эгадир. Улар сиёсий фаоллиги билан давлат томонидан берилган имтиёзлар ва кафолатлардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилишини ҳамда инсонларнинг ҳуқуқи ва жамиятдаги ролини оширишга хизмат қиладиган қарорларнинг бажарилишини таъминлашдаги иштирокини жамиятда акс эттиради.

Маҳалла институти орқали ёшларнинг ахлоқий ва эстетик эҳтиёжларини аниқлаш, бунга мос равишда сиёсий онгни ривожлантириш соҳасида юзага келаётган шарт-шароитларнинг ўрни каттадир. Жамиятнинг инновацион ривожланиши, ахлоқий-эстетик тамойилларга асосланган ижтимоий муносабатлар ва соғлос турмуш тарзининг барқарорлашуви асосида ёшларимизнинг сиёсий фаоллиги ривожланиб бормоқда. Уларнинг онгли ва сиёсий фаол қатлам сифатида маҳалланинг ривожига, ижтимоий муносабатларига, ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир этишлари бевосита маънавий оннинг юксалишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бугун юртимизда ҳар бир маҳаллада амалга оширилаётган туб иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маънавий ислохотлар ёшларнинг воқеликка муносабатида жиддий ўзгаришлар бўлишини тақозо этмоқда. Янги Ўзбекистоннинг сиёсий ривожланиш стратегияси, миллий ҳамда умуминсоний ахлоқий қадриятларга асосланганлиги, жамиятдаги сиёсий истеъмол маданиятини шакллантирди. Айнан маҳаллалардаги ёшларнинг сиёсий қизиқишини қамраб олувчи, сиёсий фаоллик траекториясининг кўлами янги технологиялар билан чамбарчас боғланган бўлиб, бу қизиқиш ушбу технологияларни шакл ва мазмун жиҳатдан бойишига,

шаклланиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ҳуқуқий ва сиёсий ривожланишига хизмат қилиши керак бўлади.

Шундай қилиб, биринчидан, ёшлар сиёсий фаоллигини тарбиялашда ишлаб чиқарилаётган маҳалладаги ижтимоий муҳит, ундаги яшашга қулай инфратузилма, қийматга эга сиёсий ҳаёт бўлиши асосий мезон сифатида хизмат қилади.

иккинчидан, маҳаллада жойлашган ишлаб чиқариш жараёнларида ёшларнинг маҳсулот, буюмлар яратишдаги фаоллиги, беғараз сиёсий фаол қатламга айланиб, ўз худудида ихчам, чидамли, кўркам, тежамкор сифатга эга прагматик ҳаётни яратишлари ижобий аҳамият касб этади.

учинчидан, ёшлар сиёсий фаоллиги маҳалладаги ўзгаришларга бевосита таъсир қилмаса-да, билвосита таъсир кўрсатиб, ёшлар сиёсий фаоллигининг йўналиши, сифати ва самарадорлигини таъминлайди. Ёшлар эътиқодли, виждонли, принципиал фуқаро сифатида оддийлик, хушмуомалалик, меҳр-оқибатлилиқ, олижаноблик, меҳнатсеварлик, тўғрисиўзлик сингари фазилатлари билан ўз сиёсий фаолиятини яратиб боради.

Маҳалла институтида ёшлар ўз фаолиятини илғор фикрлар, қарашлар асосида ташкил этиши ижобий аҳамият касб этади. Уларда эркин фикрлашнинг шаклланиши, аввало, оила институти билан боғлиқ бўлса-да, аммо унинг кейинги давомийлигини айнан маҳалла билан боғлиқдир. Ёшларнинг жамиятга кириб боришларида маҳалла ўзига хос равишда “ижтимоий лифт” вазифасини бажариб беради. Ҳар бир ёш авлод қайси касб эгаси бўлмасин, у албатта, маҳаллада вояга етади ва ҳаётининг асосий қисми унда ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштириш, ундаги мавжуд камчиликларнинг олдини олишда ёшларнинг сиёсий фаоллигидан фойдаланиш муҳим саналади. Бунда маҳалла институти аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар орасида турли дебатлар ташкил этишлари, уларнинг фаолиятларидаги қизиқишларини мониторинг қилиб боришлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар қандай кучли жамият, давлатлар ўз тараққиёти замини сифатида миллий бойликлари билан эмас, балки, шу жамиятнинг келажагини таъминлаб берувчи, уни ҳимоя қилувчи, ёш авлодларнинг маънавий, сиёсий фаол билимларини етуклик даражаси билан боғлашгани тарихдан маълум. Бу жараёнлар ёшлар ўртасидаги амалга оширилаётган сиёсий соҳадаги ислохотларга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: O'zbekiston, 2021. –Б. 261.
2. Қодирова З. ва бошқалар. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти. 2006. –Б.65.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. –Тошкент: Ozbekiston, 2010. –Б. 206.
4. Ғайбуллаев О., Ҳақимова Д. Фуқаролик жамиятида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг фалсафий омиллари. “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2018. - Б 269.
5. Отамуротов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари// -Тошкент: O'zbekiston, 2015. -Б. 68.
6. Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2009. -Б. 339.
7. Муминов А.Г. Makhalla as the Center and the Conductor of Socio-political Development in Uzbekistan. Журнал: ISJ Theoretical & Applied Science, 2017, №48, P.103-107.

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада Янги Ўзбекистон ислохотларида муҳим саналадиган маҳалла тизимидаги ёшлар сиёсий фаоллигининг ижтимоий-фалсафий моҳияти давр билан боғлиқ

ҳолда тадқиқ этилган. Маҳаллада ёшлар сиёсий фаоллигини ошириш янгича фалсафий тафаккур ва фикр ривожига хизмат қилиши, замонавий ёш авлод сиёсий онгини шакллантиришда илм-фаннинг ютуқларига таяниш долзарблиги масалалари очиб берилган.

Калит сўзлар: давлат, жамият, ёшлар, бошқарув, сиёсий фаоллик, сиёсий тафаккур, сиёсий маданият, ташаббус, таълим, маҳалла.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье исследуется социально-философский характер политической активности молодежи в системе махалли, что считается важным в реформах Нового Узбекистана.

Ключевые слова: государство, общество, молодежь, управление, политическая активность, политическое мышление, политическая культура, инициатива, воспитание, махалля.

RESUME:

In this article, the socio-philosophical nature of youth political activity in the neighborhood system, which is considered important in the reforms of New Uzbekistan.

Key words: state, society, youth, management, political activity, political thinking, political culture, initiative, education, neighborhood.